



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 14 январь, № 9 (8904)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаённинг таклифига биноан 13 январь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.



Абу-Даби халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён ва бошқа расмий шахслар кутиб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди, икки мам-

лакат давлат байроқлари кўтарилди. Ташриф дастурига мувофиқ 14 январь куни Ўзбекистон Президенти «Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги» халқаро саммитида иштирок этади. БААнинг етакчи ташкилотлари, компания ва банклари раҳбарлари билан

учрашувлар ҳам режалаштирилган. 15 январь куни олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Нуктаи назар

ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ

оқибатларини биргаликда енгиб ўтиш энг асосий масала

Статистика маълумотларга кўра Ўзбекистон углеводород энергияси — нефть, газ, кўмирдан фойдаланиш ҳисобига ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг ҳаммида 4,5 фоизини йўқотмоқда. Мамлакатдаги энергия ишлаб чиқарувчи қувватларнинг салкам ярми эскирган. Уларни тиклаш ёки модернизациялаш катта маблағни талаб қилади. Бунинг ўрнига ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан самарали бўлган «яшил» энергетикага ўтиш ҳар томонлама афзал. Зеро, бутун дунё шу йўлни танлаяпти.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатларидан биринчи бўлиб мазкур ҳаракатга қўшилди. Моҳиятан олиб қараганда, беш йил аввал қабул қилинган «яшил» иқтисодий ўтиш стратегияси

юртимизнинг «яшил» тараққиёт сари юз бурганини англади. «Яшил» иқтисодий ўтиш ва углерод нейтраллигига эришиш иқлим ўзгаришига қарши курашда стратегик вазифа-

лардан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур йўналишда Бирлашган Араб Амирликларининг иқлим ўзгаришига қарши кураш борасидаги глобал ташаббусларини ҳамда «яшил» тараққиётга

қўшаётган катта ҳиссасини алоҳида қайд этиш жоиз. БАА томонидан «Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги» халқаро саммитининг ташкил қилиниши фикримизни тасдиқлайди. 2023 йилнинг декабрида ҳам БМТ Иқлим ўзгариши бўйича конференциясининг (COP28) саммити айнан шу юртда ўтказилган эди.



Ўзбекистон ва БАА: САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК ТАҲЛИЛИ

- 2017 — 2023 йиллар давомида Ўзбекистоннинг БАА билан товар айирбошлаш ҳажми 115 миллиондан (2017 й.) 626 млн. долларга (2023 й.), яъни **5,4 баробар** ўсди;
- ўтган йилнинг 11 ойи якунларига кўра 2023 йилнинг шу давридаги нисбатан Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми **4,2 фоизга** ўсди ва 591 миллион (2023 йилда — 567 млн.) долларни ташкил этди;
- 2023 йилда БАА Ўзбекистон иқтисодиётига (сармоядор мамлакатлар орасида инвестициялар ҳажми бўйича 3-ўринда) 1,2 млрд. доллар киритди. 2024 йилнинг биринчи ярмида БААнинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган инвестициялари ҳажми 592,2 млн. долларга етди;
- ўтган йил 1 декабрь ҳолатига кўра Ўзбекистонда БАА сармояси иштирокидаги **337 та** корхона фаолият кўрсатмоқда. Умуман олганда, 2017 — 2023 йиллар мобайнида БААнинг Ўзбекистонга киритган инвестициялари ҳажми **1,5 млрд.** доллардан ошди.

Манба: Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази.

Факт ва рақамлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 33 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз муҳофаза қудратини ошириш, Қуроли Кучларимиз жанговар салоҳиятини юксалтириш, профессионал миллий армияни шакллантириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашдаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, халқимиз осойишталигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ибратли фаолияти, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, юқори маалака кадрларни тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун куйидагилар мукофотлансин:

«Мардлик» ордени билан

- Дедаҳонов Мусохон Алёрович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси
- Исмоилов Бахтиёр Аҳмаджонович — Фарғона вилояти прокурори
- Расулов Фаррух Садуллоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири
- Сайинов Бектош Раҳимович — Қашқадарё вилояти прокурори
- Тошқораев Олим Эшмўминович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бош сержанти
- Умурақов Шароф Кучиевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хизмат бошлиғининг ўринбосари
- Эгамбердиев Музаффар Эминович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директори
- Эгамёров Фарходбек Абдумаликович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари — бўлим бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

- Пирматов Ашликер Ашурматович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони бошқарма бошлиғи

«Жасорат» медали билан

- Акрамов Аббосжон Ахтам ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси
- Иргашов Бахтиёр Эркинович — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили
- Исаков Алишер Раҳматуллаевич — Тошкент шаҳар Фавкулдада вазиятлар бошқармаси кутқарув отряди гуруҳ кутқарувчи-йўриқчиси
- Муҳитдинов Исломбек Зафарбек ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири
- Сурякулов Равшанбек Суяракул ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ўринбосари
- Тошматов Зафарбек Анварович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командирининг ўринбосари
- Утегенов Дауран Аймуратович — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили
- Шарипов Жавлонбек Ҳакимжон ўғли — Тошкент шаҳри Бектемир тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси патруль-пост хизмати инспектори

«Содик хизматлари учун» медали билан

- Абдуллаев Нодиржон Абдитолиб ўғли — Тошкент вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи
- Аҳмедов Бахриддин Ҳошимович — Самарқанд ҳарбий судининг раиси
- Бақиров Шокир Кучкарович — Ўзбекистон Республикаси Фавкулдада вазиятлар вазирлиги Республика кутқарув маркази отряд катта ҳайдовчи-кутқарувчиси
- Дадаҳонов Ҳамидулло Ваҳобович — Андижон вилояти Избоскан тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори
- Джумабаев Баҳром Курбаналиевич — Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

- Жумабаев Шерзод Авазович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм секция командири
- Камалов Абдурашул Анварович — Ўзбекистон Республикаси Фавкулдада вазиятлар вазирлиги Республика кутқарув маркази отряд катта йўриқчи-кутқарувчиси
- Минажов Реймбай Отеулиевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш колонияси бошлиғининг ўринбосари
- Мирзаалимов Нишанмурод Мухтарович — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси
- Парманов Абдумалик Паттоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
- Позилов Одил Самадович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи
- Режепов Бекполат Мамитович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
- Соатов Фазлиддин Суннатиллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бўлим бошлиғи
- Султонов Ойбек Султонбоевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси кадрлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
- Тилабов Баҳодир Самандарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлими бош сержант ёрдамчиси
- Усаров Обиджон Комилжон ўғли (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
- Худжакулов Дилмурот Панжиевич — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати бошлиғи
- Хўжамкулов Абдирахид Мусаевич — Сурхондарё вилояти Божхона бошқармаси бўлим бошлиғи
- Шафиев Ренат Рустамович — Ўзбекистон Республикаси Фавкулдада вазиятлар вазирлиги марказ бошлиғи

«Соғлом турмуш» медали билан

- Каримова Саида Мўхтар қизи — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм бўлим катта офицери
- Холбеков Хайтбек Ойбек ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқармаси бўлим инспектор-психологи

«Шухрат» медали билан

- Артиков Шерзод Бахтиерович — Хоразм вилояти Қўшқўпри тумани прокурорининг ўринбосари
- Жумаев Шароф Норчаевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Қашқадарё вилояти бошқармаси суриштирувчиси
- Зарипов Маратжон Ризаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири
- Камбаров Ботиржон Шермаҳамматович — Наманган вилояти Тўрақўрган тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори
- Махкамбаев Абдулла Абдсаматович — Тошкент вилояти Фавкулдада вазиятлар бошқармаси техник таъмирлаш қисми бошлиғи
- Пўлатова Азизахон Мурот қизи — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ катта офицери
- Саидов Сардор Сайдўллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири
- Санаев Бегзот Юсубович — Сирдарё вилояти Ширин шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи
- Султанова Жамила Машариповна — Хоразм вилояти маъмурий судининг раиси
- Тошпулатов Султон Эшнӣёзович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бошқармаси қўриқлаш бўлими ҳайдовчиси
- Усмонов Шухриддин Холиқович — Қашқадарё вилояти Фавкулдада вазиятлар бошқармаси Қарши шаҳар фавкулдада вазиятлар бўлими катта уста-кутқарувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2025 йил 13 январь

АРМИЯ — ВАТАН ҚУДРАТИ, ЮКСАК ФУРУР, ЮРТГА САДОҚАТ ТИМСОЛИ



Ватан — ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган табаррук замин. Ватан бу — дунёда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган буюк ва баёхо ҳазина. Шу боис халқимиз Қуроли Кучларимиз ташкил этилганининг 33 йиллиги ҳамда Ватан Ҳимоячилари кунини энг улуг байрамлардан бири сифатида кенг нишонламоқда. Эзгу аъналаримизга ҳамоҳанг ушбу айём замирида ор-номус, қадр-қиммат, гурур ва ифтихор, иймон-этиқод каби тушунчалар мужассамдир.

14 январь — Ватан Ҳимоячилари куни

Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқимизга йўлаган Янги йил табрида алоҳида қайд этганидек, юртимиздаги ўзгаришлар, халқимизнинг фаровон ва осойишта ҳаётини таъминлаш йўлида эришаётган ютуқларимиз, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, дёриримиздаги барқарорлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик натижасидир. Қуроли Кучларимиз Олий Бош Қўмондонинг

2025 йилда «Қуроли Кучларимиз салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш ишларини янги босқичга кўтарамиз», деган сўзлари бизга катта масъулият юклати билан бирга билангамизга қувват, қалбимизга шижоат бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ҳамда Ватан Ҳимоячилари куни байрамига тайёр-гарлик қилиш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида»ги фармойишига кўра «Янги Ўзбекистон армияси — мамлакат таяничи, халқимиз фахри!» шиори остида ўтаётган байрам тадбирлари мамлакатимизда ҳарбий касб нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат бериб, армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан қарашлар тамомилан ўзгарганини намоён этмоқда.



Олий Мажлис Сенатида

ЖАНГОВАР ШАЙЛИК, МАЪНАВИЙ ЮКСАКЛИК – БОШ МЕЗОН

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасида Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан семинар ўтказилди.

Унда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, бугунги ёруғ, мусофиро осмонимиз софлигини, осуда ҳаётимизни таъминлаш учун буқилмас ирода ва жасорат намунасини кўрсатган, Ватан учун жони фидо қилган мард ота-боболаримизнинг жасорати ҳеч қачон унутилмайди. Қудратли армияни барпо этишда минг-минглаб фидоий инсонларнинг улкан хизматлари бор. Шу боис ҳар йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мардлик, жасорат ва фидоийлик кўрсатган ҳарбий хизматчилар давлат мукофотлари билан тақдирланмоқда. Эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳам томонлама қўллаб-қувватланмоқда, қатор имтиёз ва қаролатлар берилган.

Қуролли Кучлар қўшинларининг доимий жанговар шайлигини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Утган йили 2023 йилдаги нисбатан жанговар шайлик тадбирлари 1,5 баробарга кўпайиб, қўмондонлик таркибининг касбий тайёргарлигини оширишга эришилмоқда. Машгулотларда 4 минг нафар ҳарбий хизматчи иштирок этди. Ушбу машгулотларда куруклик, ҳаво бўлиnmалари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштиришга қаратилган тактик вазифалар бажарилди.

Қўшинларда оператив тайёргарлик тадбирлари АКШ, Хиндистон, Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон армиялари билан ҳамкорликда ўтказилди. Ҳуқуқларда асосий эътибор замонавий жангларда янги қўлланилаётган учувчисиз учиш аппаратларини қўллаш, уларга қарши курашиш ва бошқарувчанлик маҳоратини ошириш, стратегик, оператив ва оператив-тактик бугунларда бўлиnmалар томонидан янги тактик ҳаракатлар ўзлаштирилишига қаратилмоқда.

Тизимда кадрлар салоҳиятини ошириш борасидаги ишлар фаол давом этирилиб 2024 йили Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари радиолокация станцияси мутахассисларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш маркази очилиб, ўқув марказлар сони 20 тага етказилди. Жанговар мутахассислик бўйича 10 миңдан ортиқ ҳарбий хизматчилар марказларда ўқитилди.

Қўшинлардаги мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мудофаа вазирлигида беш йил муқаддам фақат 2 та ўқув маркази фаолият юритган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 19 тага етказилди. Ушбу марказларда бўлган АКШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Қозғистон ва Озарбайжон давлатларининг ҳарбий мутахассислари бажарилган ишларни юксак баҳолаб, мазкур марказларда тажриба алмаштириш бўйича тақдирлар билдириди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида олиб борилаётган ислохотлар замирида инсонни кадрлашдек олийжаноб мақсад муқамас. Бу, энг аввало, ҳар бир фуқаронинг оиласи, маҳалласи тинчлигини, юрт осойишталигини таъминлаш демакдир. Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси Қуролли Кучларимизнинг барча тузилмаси билан амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш бораборида армиясини кучли, салоҳиятли бўлиши, уни янада ривожлантиришнинг долзарб муаммолари юзасидан аниқ тақдирлар акс этган қарорлар қабул қилмоқда.

Тадбирда бу йўналишдаги ишлар янада кучайтирилиши, юртимиз ҳимоясини таъминлашда эътибор қаратилиши зарур бўлган хизматлар ҳусусида фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЭЪТИРОФИ

Бир қатор халқаро ва электрон нашрларда Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси раиси ўринбосари Қ. Турсуновнинг Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш соҳасидаги ютуқлари ҳақидаги мақоласи эълон қилинди. Жумладан, Швейцарияда чоп этилган «International Diplomat», «Diva International» журналлари, «Варкаа хабарлари» хорижий ахборот агентлиги (Ироқ) ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтларида нашр этилди.

Унда баён қилинишича, Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) ютуқларини мотлаштираш учун ҳусусий ва давлат молиясининг янги шакллари жорий этишга қаратилган Миллий стратегия ишлаб чиқилмоқда. БРМни амалга оширишнинг муваффақияти барча манфаатдор томонлар — парламент, ҳукумат, фуқаролик жамияти, бизнес ва илм-фан вакиллари оғин иштирокига ҳам боғлиқ. Амалга оширилётган кенг қўлмали ислохотлар БМТнинг 2030 йилгача бўлган Глобал кун тартиби мақсадларига тўлиқ мос келади. Бунга «Ўзбекистон — 2030» стратегияси ҳам яққол мисол бўла олади.

Утган давр бойидаги мамлакатимизда кенг қўлмали ва комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу борада тупланган тажриба халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. БРМ ва у билан боғлиқ вазифалар янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, шунингдек, 360 дан ортиқ қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. БРМга эришишда манфаатлар мувозанатини таъминлашни самарали механизмни яратилиб, парламент назорати ўрнатилди.

«Халқ сўзи».

ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ

оқибатларини биргаликда енгиб ўтиш энг асосий масала

Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан Кўрфазнинг ушбу мамлакатига ташрифи давомида икки томонлама ўзаро алоқаларни ривожлантириш бўйича музокаралар ўтказди. Мамлакатнинг етакчи давлат ташкилотлари, компания ва банклари раҳбарлари билан учрашди. Шунингдек, «Абу-Дабӣ барқарор ривожланиш ҳафталиги» халқаро саммитида иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу нуфузли ҳафталик БАА ва унинг тоза энергия маркази бўлмиш «Masdar» компанияси томонидан барқарор тараққиётни тезлаштириш мақсадида қўллаб-қувватланадиган глобал ташаббус ҳисобланади. 2008 йилдан бери ўтказиб келинаётган, шу йилнинг 13 — 18 январь кунлари мўлжалланган ҳафталик биринчи марта «яшил» водород масалаларига бағишланди. Бу эса тоза ҳамда муқобил энергияни ривожлантиришда «яшил» водороднинг аҳамияти ошиб бораётганини кўрсатади.

Бу шунчаки платформа эмас

БАА sanoat ва илгор технологиялар вазири, «Masdar» раиси доктор Султон ал-Жобирнинг айтишича, мазкур ҳафталик давлатларга мисли кўрилмаган ижтимоий-иқтисодий имкониятларни очди. Ҳафталик, бу — шунчаки платформа эмас, балки ҳаммага яхшироқ кешлар куриш учун чексиз имкониятларни яратадиган дудил қақирок.

«Masdar» бош директори Муҳаммад Жамил ал-Рамаҳи фирҳча, 2025 йилги саммит энергия, иқтисодиёт ва атраф-муҳитинг ўзаро боғлиқ ечимларини тақдим этиш учун жаҳон ҳамжамиятини бирлаштирадиган воситадир. Гап шундаки, мазкур анжуман ташкилотчиси — «Masdar» БААда «яшил» водород иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш учун янги «яшил» водород бизнесини яратишни эълон қилди. Унинг «яшил» водород бизнеси 2030 йилгача йилгача 1 млн. тоннагача «яшил» водород ишлаб чиқаришни мақсад қилган. Компания алақачон бу билан боғлиқ бир қатор лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда, жумладан, Мисринг етакчи ҳукумат тузилмалари билан 2030 йилгача электролизатор қуввати 4 гигаваат бўлган «яшил» водород ишлаб чиқариш заводларини ривожлантириш ҳамда 480 миң тоннагача «яшил» водород ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик қилиш юзасидан келишувларга эришди.

Эътиборлиси, БАА компаниялари Ўзбекистонда ҳам фаол. Ушбу мамлакат етакчи компаниялари иштирокида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ва истиқболли лойиҳалар портфели 20 млрд. долларга етди. «Яшил» энергетика икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналиши бўлиб хизмат қилмоқда.

Утган йилнинг декабрь ойида Навоий вилоятида қуввати 500 мегаватт бўлган шаомол электр станцияси ишга туширилди — бу лойиҳа «Masdar» компанияси томонидан амалга оширилди. Умуман, ушбу компания иштирокида сўнгги йилларда юртимизда умумий қуввати 1,5 гигаваат бўлган электр энергияси

ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди. Бундан ташқари, БААнинг «Masdar» компанияси томонидан қуриладиган 250 мегаваттлик қўйш электр станцияси ҳам улар сафига қўшилади. Бу лойиҳа учун Олот туманидан 648 гектар ер ажратилган. Станция 2025 йил декабрда ягона электр тармоғига уланиши режалаштирилган. Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида умумий қуввати 900 мегаватт бўлган учта замонавий фотоэлектр станциясини барпо этиш лойиҳаси ажуланди. Шунингдек, Навоий вилоятининг Томди туманида 500 мегаваттлик шаомол электр станциясининг биринчи босқичи қуриб битказилди.

Муқобил энергия улуши икки бараварга кўпайди

Президентимиз «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва углерод нейтраллигига эришиш янги Ўзбекистоннинг устувор стратегик вазифаси эканини бот-бот тақдорлайди. Бу мақсадларга эришиш атраф-муҳит муҳофазаси ва иқтисодиётни модернизациялаш ишига хизмат қилади.

Шу маънода, сўнгги йилларда юртимизда муқобил энергия улуши икки бараварга кўпайди. «Яшил» водород ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича илм амалий қадамлар ташланди. Тошкент вилоятида «яшил» водородни «пилот» тарзда ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш бошланди. Ушбу пилот-лоиҳа доирасида мамлакатимизда биринчи босқичда 3 миң тонна водород ишлаб чиқарилади ва кейинчалик минерал ўйитларга қайта ишланади, шунингдек, 52 мегаваттлик шаомол электр станцияси қурилади. Буни ҳаётнинг ўзи такозо этипти. Негаки, аънанавий углерод манбаларидан шафқатсиз фойдаланиш жаҳондаги барқарор ривожланиш йўлида энг асосий таҳдидга айланиб улгурди, иқлимни кескин ўзгартириб юборди. Ичимлик суви тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши, биохимиллаҳил ўйқолиши, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги пасайиши каби муаммолар тобора авж олмоқда.

Савол туғилади. Ўзбекистонда нима учун «яшил» энергетика ривожига бу қадр катта рағбат ва эътибор қаратилляпти? Чунки, энг аввало, 2030 йилга бориб sanoat ҳажминини икки қарра ошириш, металлургия, нефть-кимё ва машинасозлик каби соҳаларни сифат жиҳатдан мутлақо янги даражага кўтариш мақсад қилиб қўйилган. Умумий қиймати 150 млрд. долларлик 500 дан зиёд йирик sanoat ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш кўзланган. Бу мақсадга эришиш учун мамлакатимизга қаролатли ва барқарор энергия ресурслари сув билан ҳаводек зарур.

Ҳисоб-китобларга кўра келгуси беш йилда мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талаб ҳозирги 83 миллиарддан 120 млрд. кВт-соатга ўсиши кутилмоқда. Буни, биринчи гада, қайта тикланадиган энергия ҳисобидан қоплаш мумкин. Иккинчидан, глобал муаммога айланган иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича тинимсиз изланиляпти. Президентимиз томонидан халқаро саммитларда мўҳим тақдир ва ташаббуслар фаол илгари суриляпти.

Хусусан, 2023 йил декабрда Дубайда БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конферен-

цияси доирасида дунё мамлакатлари «яшил» генерацияни уч баробар оширишга келишиб олган. Ўзбекистон ушбу ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ва 2030 йилгача «яшил» энергетика манбаларини 27 гигаваатга етказиш учун фаол инвестиция сибатини изчил давом эттиришини маълум қилган. Зеро, мамлакатимизда «яшил» энергетика бўйича ниҳоятда улкан салоҳият мавжуд.

Соҳани рабаатлантириш мақсадида қўйш панеллари ўрнатилган имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш, ишлаб чиқарилган электр энергиясини қаролатли сотиб олиш бўйича «Кўёшли хонадон» тизими йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда глобал миқёсда «яшил» энергиядан ишлаб чиқарилган махсулотларга алоҳида устуңлик берилмоқда.

Муаммога панжа ортидан қараб бўлмайди

Жорий йил юртимизда «Атраф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили» деб эълон қилинди. Давлат дастури лойиҳаси жамоатчилик ҳужмига ҳавола этилди.

Демак, иқлим ўзгаришлари бугунги кунда асосий глобал таҳдидга айланиб бораётган, геосийсий зиддиятлар қуйишига бевосита таъсир кўрсатаётган, аиникса, камбағалликка қарши кураш, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги, сув ҳамда ресурслардан фойдаланиш муаммоларини қучайтираётган экан, Ўзбекистон ва БАА каби мамлакатлар томонидан илгари суриляётган ташаббуслар ҳамда тақдирларнинг аҳамияти ҳам ортиб бораверади.

Аслида ҳам, экология асоратларини Марказий Осиё ҳам ўткир ҳис қилаётган, иқлим муаммолари аҳолининг турмуш сифатини ошириш ва миллий тараққиёт стратегияларини рўёбга қаришда янги тўсиққа айланаётган кезда замонамизнинг глобал муаммосига панжа ортидан қараб бўлмайди. Инсоният бир осмон остида яшаётгани туфайли масала барча мамлакатлар ҳамда қиъғаларга тегишли.

Шу маънода, буларни бартараф этиш ва Париж битими доирасидаги бош мақсад — минтақада ҳаво ҳароратининг жадал ўсишига йўл қўймаслик ва жорий ўзи йилликда 1,5-2 даража атрофида сақлаб қолишга эришиш йўлида Ўзбекистон ҳам дунё ҳамжамияти билан ҳамкорликни кенгайтиради. Асосийси, Ўзбекистон углерод нейтраллигига эришиш бўйича кенг миқёсдаги ислохотлардан ортга чекинмайди.

Ишончимиз комилки, давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи давомида илгари суриладиган ташаббуслар, хорижий давлатлар раҳбарлари ва компаниялар етакчилари билан олиб борадиган мулоқотлари ҳамда эришиладиган келишувлар глобал миқёсда атраф-муҳитни муҳофазга қилиш, «яшил» иқтисодиётга ўтиш, сувдан унумли ва тежамкорлик билан фойдаланиш борасидаги хайрли ишларга камарбаста бўлади.

Садриддин ТУРОБЖОНОВ, Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори, техника фанлари доктори, академики.

Фикр

БАА БИЛАН МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг араб давлатлари билан ҳамкорлиги жадал ривожланиб бормоқда. Айниқса, Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) Ўзбекистоннинг минтақадаги асосий шерикларидан бирига айланмоқда.

БАА узққни кўзланган ташки сибат юритиб, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада олиб борилаётган кенг қўлмали ислохотлар самарасида, нафақат энергия ресурсларига бой мамлакат, балки Ички Шарҳда замонавий сибайлик, транспорт-логистика ва ишлаб чиқариш маъноси айланган. Абу-Дабӣ ўз иқтисодиётини диверсификация қилиш, нефтга қарамликни камайитириш йўлида улкан натижаларга эришган.

Маълумотларга кўра дунё нефть захирасининг 10 фоизи еттига амирликдан бериб БАА заминига тўғри келади. Бирок фақат икки амирлик нефть бойлигига эга бўлиб, бу бойликнинг 95 фоизи Абу-Дабӣ, 5 фоизи Дубайга тегишли.

БААнинг сибсий бошқарув тизими ўзига хос бўлиб, мутлақ монархияга эга бўлган амирликларини бирлаштирган федератив монархия давлатидир. Давлатга Абу-Дабӣ амири, ҳукуматга эса Дубай амири раҳбарлик қилади.

Иттифоқ Олий Кенгаши давлат тузилиши иерархиясида бирламчи ўринга эга. Ушбу Кенгашга барча еттига амирлик амирлари кирди. Олий Кенгаш давлатнинг умумий сибатини белгилаб беради, Базирлар Кенгаши эса ушбу сибатини муваффақиятли амалга оширилиши учун Олий Кенгаш олдиди ҳисобдордир. Шу билан бирга, БААда Федерал Миллий Кенгаш, яъни парламент мавжуд. Миллий Кенгаш 40 нафар депутатдан иборат. Уларнинг ярми сайланади ва қолган ярми тайинланади. Абу-Дабӣ ва Дубайдан 8 нафардан, Рас-ал-Хайма ва Шарҳадан 6 нафардан ҳамда қолган 3 та амирликдан 4 нафардан депутат бўлади. Парламент қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эмас, балки Ҳукумат томонидан киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқайди ва улар бўйича ҳулоса беради. Ушбу лойиҳаларнинг илгари нормаларига тузатишлар киритиши мумкин.

БААда раис ва 4 нафар мустақил судьядан иборат Иттифоқ олий суди суд ҳоқимиятини ташкил этади. Амирлик БМТ, Араб давлатлари лигаси, Ислам ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар аъзоси, 2024 йил 1 январдан БРИКС иштирокидасидир.

Ўзбекистонда Амириликлар сармоясини иштирокида 300 дан зиёд корхоналар фаолият юритмоқда. Қўшма лойиҳалар умумий қиймати 4 млрд. доллардан ошган. БАА етакчи компаниялари иштирокида Ўзбекистонда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар 20 млрд. долларга тенг. Улар «яшил» энергетика, металлургия, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуналчиқа каби тармоқлардаги истиқболли лойиҳалардир.

«Яшил» энергетика икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишидир. Утган йили 13 декабрь кун Навоий вилоятида қуввати 500 мегаватт бўлган шаомол электр станцияси ишга туширилди — бу лойиҳа «Masdar» компанияси томонидан амалга оширилди. Умуман, ушбу компания иштирокида сўнгги йилларда мамлакатимизда умумий қуввати 1,5 гигаваат бўлган электр энергияси ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди. Энергетика, нефть-газ ва кимё тармоқлари, тоғ-кон sanoati, сув таъминоти, машичи қичқинди қайта ишлаш ва бошқа йўналишларда йирик инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва унинг ижроси борасида жадал ишлар олиб борилмақда.

БААнинг юртимиздаги инвестиция портфели 12 млрд. доллардан ошиб, қиймати яна 10 млрд. долларга тенг лойиҳалар фаол ишлаб чиқилляпти. Икки давлат ўртасидаги товар айир-бошлаш ҳажми охири беш йил илгари қарийб уч баробар ўсган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва БАА ўртасида давлат хизматини такомиллаштириш, бошқарув ҳодимлари фаолиятини баҳолаш, тизимни рақамлаштириш бўйича ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Президентимизнинг мазкур мамлакатга амалга ошираётган расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириб, янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Биз, парламент аъзолари эса БАА билан парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириб, икки мамлакат ўртасида имзоланган келишув ва битимларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилишига муносиб ҳисса қўйишимиз, ташрифининг аҳамияти ва натижаларини халқимизга содда ва тушунарли қилиб етказишимиз лозим.

Жуманазар ОТАЖОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ҲУҚУҚИЙ ВАКОЛАТ ВА ИМТИЁЗЛАР АКС ЭТГАН ХАЛҚЧИЛ НОРМАЛАР

Кеча сибсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари атрафлича кўриб чиқилди.

Сиёсий партиялар фракцияларида

Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг Атраф-муҳитини асраш ва «яшил» иқтисодиёт йилида амалга ошириш бўйича давлат дастури лойиҳаси муҳокама қилинди.

Депутатлар давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб, лойиҳа муҳокамасида партиянинг ҳудудий кенгашлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, фаоллар тақдир ва тавсияларини бериш билан бирга, уларнинг ушбу жараёнда фаол иштирок этиши лозимлигини айтишди.

Йиғилишда тадбиркорлик субъектлари айнан бир ҳуқуқбузарлик учун бир неча маротаба жавобгарликка тортилишининг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси муфассал кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Мамурий жавобгарлик ҳамда Солиқ кодексларига шахсининг содир этган айнан бир ҳуқуқбузарлиги учун бир маротаба жавобгарликка тортилишини таъминлаш ва солиқ мамуриятчилигининг янада такомиллаштирилишига оид тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан фикрларини билдириб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган тақдирлар эътиборга олингани ва ҳужжат матнида акс этганлигини таъкидлашди.

Аҳолига суд муҳокамаларида масофадан қатнашиш учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Фракция аъзоси Дилмурод Артиков қонун лойиҳаси билан Фуқаролик, Иқтисодий процессуал ҳамда Мамурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга аҳолига суд муҳокамаларида масофадан туриб иштирок этишининг ҳуқуқий асосларини яратишни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилаётгани-

«Ўзбекистон Республикаси фаҳрий донори» кўркак нишонини билан тақдирланган шахсларга улар учун қулай бўлган вақтда ҳар йилги меҳнат таътилига чиқиш, шаҳар жомоат транспортининг барча туридан (йўналишда) ва йўналишсиз таксилардан ташқари) бепул фойдаланиш, санаторий-курортларда даволаниш учун йўлнамаларни навобатсиз олиш ҳуқуқини бериш кўзда тутилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан янги сайланган фуқаролар йиғини раиси тўлиқ 5 йил муддатга сайланишини белгилаш тақдир қилинмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазаларини, тақдир ва тавсияларини билдириди. Лойиҳадаги айрим нормалар бўйича бир қатор саволлар ўртага ташланди.

Депутатлар ушбу қонун лойиҳаси фуқаролар йиғинлари раислари фаолиятини ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари сайловини уюштириш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ишини самарали ташкил этишга хизмат қилишини

эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади. Йиғилишда Ўзбекистонда факторинг хизматлари бозорини ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур лойиҳада пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воқ кечиб бўйича тақиқчи бузганлик учун жавобгарликнинг бекор қилиш, мижознинг контрагенти норезидент бўлганда факторинг операцияларини хорижий валютада амалга оширишга рўхсат бериш, пул талабномасидан воқ кечиб тўғрисидаги ҳабарномаларни гаров реестрида рўйхатга олишни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, лойиҳада тадбиркорлик субъектларига факторинг изимати кўрсатишга ихтисослаштирилган факторинг ташкилотларини ташкил этиш, уларни нобанк кредит ташкилоти сифатида реестрга киритиш ва унинг фаолиятини Марказий банк томонидан тартибга солиш белгиланапти.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда факторинг хизматларини амалга оширишнинг халқаро амалиётга мос қонунчилик базаси яратилишига хизмат қилади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини Атраф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йилида амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Дастур лойиҳаси партиянинг бир қатор голярига ҳамоҳанг келадиган чора-тадбирларни қамраб олгани билан аҳамиятли экани таъкидланди. Хусусан, педагогларни хорижий давлатларга маляка ошириш ва стажировкага юбориш тақдирлиги айтилди.

Депутатлар лойиҳада барча соҳа қатори ягона электрон тиббиёт тармоғини шакллантириш давом эттириш, рақамли технологиялар жорий қилинган тиббиёт муассасалари улушини 70 фоизга етказиш вазифаси ҳам ўрин олгани алоҳида қайд этилди.

Партия ва унинг фракцияси аъзолари даст

Давлат дастури лойиҳаси — муҳокамада

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари ҳамда Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмиталарининг қўшма мажлисида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси муҳокама қилинди.

Унда аҳоли саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ва инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратиш мамлакат ривожланишининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилангани таъкидланди.

Давлат дастури лойиҳасидаги 5 та устувор йўналишда ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратиш, ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган мақсадлар қамраб олинган. Жорий йилда 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлов тизими билан қамрови даражасини 98 фоизга етказиш, умумий ўрта таълим муассасалари учун 65 номдаги янги дарсликлар, машқ дафтарлари, ўқитувчи методика китобларини яратиш ва амалиётга жорий этиш каби вазифалар белгиланган. Умумий ўрта таълимни ривожлантириш учун хусусий секторни кенг жалб қилиш мақсадида нодавлат умумий ўрта таълим мактаблари сонини 600 тага етказиш кўзда тутилган.

Хорижий илмий ташкилот ва университетларга илмий стажировкага юборилган тадқиқотчилар умумий сониди 35 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг улуши 80 фоизга оширилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида 7,1 млн. нафар 40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли орасида энг кўп учрайдиган юрак-қон томир, қандли диабет, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари хавфини аниклаш мақсадида профилактик куриклари ўтказиш ҳамда 3 — 18 ёшли 10 млн. нафар болада онкогематология касалликларини эрта аниклаш бўйича оммавий ва селектив скринингдан ўтказиш чоралари режалаштирилмоқда.

Мажлис давомида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сибсатини изчил давом эттириш йўналишида прагматик фаол ва изчил ташқи сибсатини амалга оширишга доир 10 та мақсадни қамраб олган тақлифлар кўриб чиқилди.

Ратификация қилинган халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш, етакчи халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан истиқболли ҳамкорлик йўналишларини кенгайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Сенаторлар умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш, олий таълим муассасалари рейтингини яхшилаш, ёш тадқиқотчиларнинг улушини кўпайтириш ва илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш, янги Ўзбекистон ташқи сибсатини халқ ва давлатнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда изчил амалга оширишга қаратилган тақлифларни қайд этишди.

Халқаро ҳамкорлик, хорижий инвестицияларни ва туризмни жадал ривожлантириш ҳамда аҳолига сифатли тибибый ёрдам кўрсатиш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда масъул вазирлик ва идораларнинг ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Муҳокама давомида сенаторлар, экспертлар ҳамда мутахассислар томонидан давлат дастури лойиҳаси юзасидан бир қатор тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

«Халқ сўзи».

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва иқтисодий барқарорлик омили

2025 йил юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”, деб эълон қилинди. Аини пайтда бу бўйича ишлаб чиқилган давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисидаги Президент Фармони лойиҳалари кенг жамоатчилик муҳокамасида ўтказилмоқда.

Бугун бутун дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табибий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига катта эътибор қаратиляпти. Бу жараёнда яилловларни сақлаш ва улардан барқарор фойдаланиш “яшил” иқтисодиётнинг асосий бўғинларидан бири саналади. Зеро, яилловлар нафақат табибий ресурслар, балки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутадиган стратегик манбадир.

Дарҳақиқат, атроф-муҳитни асраш иқтисодиётимиз учун жуда муҳим. Буни мамлакатимиз умумий ер майдонининг 47 фоизга яқин қисмини эгаллаган яилловлардан фойдаланиш ҳолати, уларнинг бевохотида қилинган таъсири мисолида таҳлил қилганидан бўлса, кейинги йилларда республикамизда яилловлар қисқариб бораётганини кузатишимиз мумкин. Хусусан, яилловлар ҳажми 1990 йилда 23,5 млн. гектар, 2000 йилда 22,3 млн. гектар бўлгани ҳолда 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 21,2 млн. гектарни (умумий ер майдонининг 47 фоизи), шундан 16,8 млн. гектари (79,2 фоизи) чўл ва 4,4 млн. гектари (21 фоизи) тоғ ҳамда тоғолди яилловларини ташкил этмоқда.

Уз навбатида, минтақамизда ҳаво ҳароратининг ошishi жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан 2 баробар юқори бўлиб, 2050 йилгача бу кўрсаткич 3 даражага кўтарилиши прогноз қилиняпти. Бу эса мавжуд яилловлар деградацияси, уларнинг ҳосилдорлиги пасайиши ҳамда минтақадаги иқлим ўзгариши жараёналари кескинлашувиغا олиб келимоқда. Фанлар академияси маълумотларига кўра, яилловларда чорва молларининг тартибсиз боқилиши, глобал иқлим ўзгариши таъсири натижасида мамлакат чўл яилловларининг деярли 50 фоизи турли даражада деградацияга учраган бўлиб, уларнинг ҳосилдорлиги ўртача 21 фоизга камайган.

Халқаро марказлар томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, яилловлар ўсимлик қопламиди турлар сонини ҳозирги кунда кескин қаммаган бўлиб, регрессияси ва ҳосилдорлигининг пасайиши Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларида 42-43 фоизни ташкил этмоқда. Мисол учун, бундан 40 йил олдин Қарнабчўл табибий флорасида 260 дан ортиқ гулли ўсимлик турлари қайда этилган бўлса, ҳозир ушбу худудда ўсимлик турлари сонини 35 — 40 дан ортмайди, яъни биология хилмаҳиллик 6 мартадан ортиқ камайган. Ушбу табибий флорада ҳозирги кунда сингресс, мой-

ли қора нўхатак, ингичка поялия астрагал, қасмалдоқ, лайлак тумшук, читиринг айрим турлари, қорамшоқ сингари турлар деярли учрамайди.

Мутахассислар фикрича, яилловлар деградацияси оқибатида республика бўйича йилга 3,2 млрд. доллардан ортиқ иқтисодий зарар қўрилмоқда, ўрта ҳисобда 1 млн. 650 миң тоннадан кўпроқ табибий ем-хашак бой берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Яилловлар тўғрисидаги” Қонунига кўра, яилловлар чорва моллари учун озуқа бўлган ўсимликларнинг табибий қопламига эга ерлар ҳисобланади. Урганишлар шунини кўрсатмоқдаки, яилловлардан нафақат чорва молларини боқиш манбаи сифатида, балки санаят, тоғ-кон, энергетика, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, хаттоки, фармацевтика соҳаларида ҳам фойдаланиш мумкин. Бу эса яилловларнинг биз учун стратегик резерв ва қўшимча имкониятлар манбаи эканлигиндан далолат беради.

Шу ўринда қайд этиш керак, иқтисодиётнинг барча тармоғи, хусусан, қишлоқ ҳўжалиги жадал ривожланиш, шиддатли урбанизация жараёни ҳамда аҳоли сонини кўпайиши натижасида мавжуд ер ресурслари қисқариб бораётганини кузатиш мумкин. Масалан, сўнгги 4 йил мубайнида худудларда рўёбга чиқарилаётган инвестициявий лойиҳалар кўлимининг ошishi бориши натижасида қарийб 500 гектардан ортиқ яиллов ер майдонлари ажратилди.

Президентимиз раислигида 2024 йил 21 октябр кунини “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида сўнгги вақтларда юртимизда чанг бўронлари тез-тез содир бўлаётгани, бунга глобал иқлим ўзгариши билан бир қаторда, чорва молларининг тартибсиз боқилиши оқибатида чўл яилловлари деградацияга учраётганини ҳам сабаб бўлаётгани таъкидланган эди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли кўпайиб бораётган шароитда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича энг катта заҳирамиз — яилловлар эканига эътибор қаратиб, бу бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаб берди. Келгуси йилда мазкур мақсадлар ун дастлаб 50 млн. доллар грант маблағлари жалб этилиши назарда тутилди.

Чорвачилик тармоғига яилловларнинг ўтказилиши ҳамда уларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун

грант маблағлари ажратилиши озуқа тақсислиги бўйича мавжуд муаммоларнинг ечилишига қаратилган оқилона қарор эканлигини таъкидлаш лозим.

Шу асосда яилловлар деградацияси ва “иссиқхона газлари” ҳажминини камайтириш, уларда ўсимликлар турларини кўпайтириш ҳамда глобал иқлим ўзгаришларига мослашувчан яиллов экотизимини яхшилаш мақсадида қуйидагилар тақлиф этилади:

Биринчиси, яилловларни деградациядан чиқариш ва улардан барқарор фойдаланиш таъминлашга мўлжалланган уч йиллик дастурни ишлаб чиқиш ҳамда яилловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш йўналишидаги махсус ваколатли давлат органларининг аниқ вазифаларини белгилаш;

Иккинчиси, яилловлардан фойдаланиш, ҳолатини яхшилаш, деградациянинг олдини олиш бўйича хорижий давлатлар илгор тажрибалари ҳамда халқаро ташкилотлар тавсияларини кенг жорий этиш;

Учинчиси, яилловларга халқаро ташкилотларнинг грант маблағларини кенг жалб этиш ҳамда иқлим тудайли йўқотиш ва зарарларни баҳолаш бўйича мониторинг ишларини олиб бориш.

Эътиборлиси, 2025 йилги давлат дастури лойиҳасида ҳам чўл, тоғли ва тоғолди худудларда чўланиш, кум кўчиши, тупроқни сув, шамол эрозиясининг сақлаш ва унинг олдини олиш ҳамда экологик муҳитини яхшилаш мақсадида химоя ўрмонларини (иҳота) барпо қилиш акс этмоқда. Шунингдек, чўланиш, қурғоқчилик, чанг-қум бўронлари ва ҳароратнинг кўтарилишига қарши чора сифатида, асосан, 200 миң гектар майдонда яшил қопламалар — химоя ўрмонзорларини барпо этиш назарда тутилди. Иқлим ўзгаришига асосий сабабчи “иссиқхона газлари”ни камаб олувчи мониторинг тизимини яратиш, “иссиқхона газлари”нинг ялли ички махсулот бирлигига нисбатан 2010 йилдаги даражадан 30 фоизга қисқартиришга эътибор қаратиломоқда. Бу “яшил” иқтисодиётга ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, давлат дастури лойиҳасида ушбу йўналишда белгилаб берилган чора-тадбирлар табибий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизлик ва иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш учун янги имкониятларни эшигини очади. Жумладан, яилловларни тўғри боқариш нафақат атроф-муҳит муҳофазасига, балки озиқ-овқат хавфсизлиги ва иқтисодий ўсишга ҳам хизмат қилади.

Эркин ХАЙИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАР

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари мажлисларидаги нутқларида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар жорий йилги давлат дастури лойиҳасида ўз аксини топмоқда.

Мазкур дастур лойиҳаси аҳоли танишиб чиқиши учун ичям шаклда тайёрланган бўлиб, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг устувор йўналишларини кесимида 2025 йил учун амалий чора-тадбирлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ва мақсадли кўрсаткичлар назарда тутилмоқда. Лойиҳада атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт масалалари билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ, хавфсизлик ва ташқи сибсат йўналишларида кенг қамровли ислохотлар ҳам назарда тутилган.

Маҳаллаларнинг экологик қиёфаси яхшиланиб, кўчаларда яшиллик даражаси оширилади, экологик жиҳатдан қулай бўлган фаровон яшаш муҳити шакллантирилади. Аҳоли саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини кўтариш ҳамда инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратишда амалга ошириладиган вазифалар давлат дастуридаги 5 та йўналиш ва юзта мақсадда аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Табибий ресурсларни тежаш, оқилона фойдаланиш каби омилар экологик барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилиши белгиланган. Ўсимлик ва ҳайвонот

дунёсини асраш, кўпайтириш, табибий хилмаҳилликни таъминлаган ҳолда кейинги авлодга етказиш, иқтисодиётни иқлим ўзгаришига мослаштиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш зарурлиги, республика энергобалансида қайта тикланувчи энергия улушини босқичма-босқич ошириб бориш муҳимлиги кўрсатиб берилмоқда. Давлат-хусусий шериклик асосида йирик “яшил” энергия станцияларини барпо этиш, худудларда кичик ва микро-гидроэлектростанциялар тармоғини кенгайтириш, аҳоли хонадонларида қуёш панелларини ўрнатиш ишлари рағбатлантирилади.

2025 йили яшиллик даражасини ҳамда пёйдлар ва велосипед йўлакларини атрофида дарахт кўчатларини эски тадбирларини кўпайтириш орқали “Соғлиқ сайр кўчалари” сонини ошириш, аҳоли пунктларига яқин бўлган сув тармоқлари соҳил бўйларида 80 та инфрамуҳитга объекти, 110 километрдан ортиқ соғломлаштирилган йўлакларни қуриш каби вазифалар белгиланмоқда.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича 200 млн. туп кўчат экилиши таъминланади. Давлат дастури доирасида Орол денгизининг қуриган тубида 100 миң гектар яшил майдон

барпо қилиниши, шўр ва сувсизликка чидамли ўсимликлар (га-лофит) боғлари ташкил этилиши, Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорлар 2,1 млн. гектарга етказилиши натижасида ўрмон билан қопланган майдонлар ҳажминини 4,1 млн. гектарга ошириш, муҳофаза қилинадиган табибий худудларни 14,5 фоизгача кенгайтириш масалалари кўзда тутилмоқда.

Аҳолининг саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантиришда инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратиш борасида тегишли вазифалар белгилаб олинмоқда.

“Экофаол фуқаро” ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган “Бир миллион “яшил” оила” умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилиши белгиляпти. Пёйда юриш, “яшил” транспортда, жумладан, велосипедда ҳаракатланишни рағбатлантириш, пластик махсулотлардан фойдаланишни камайтириш, тўри оватланиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни инсон саломатлигига фойдасини тарғиб қилишни кучайтириш йўлида дастур ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги йўналишида хавф-хатарларни аниклаш, баҳолаш, бошқариш ва мониторинг қилиш мақсадида идоралараро аяллит Миллий ахборот платформаси ишлаб чиқилди.

Сув, газ ва электр энергияси ресурсларидан, қишлоқ ҳўжалиги ерларидан, томорқа ҳўжаликларида кенг фойдаланиш йўлга қўйилади. Пахта ва галпа май-

донларини қисқартиришдан бўшаган қамида 100 миң гектар ер майдонларини ижарага бериш орқали 200 миң нафар аҳоли бандлиги таъминланади. Аграр соҳада тупроқ агроклиматий таҳлилларини ўтказиш мақсадида юзта портатив-мобиль лаборатория харид қилишни таъминлаш, органик қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари етиштириладиган ер майдонларини ўн миң гектарга етказиш масалалари қамраб олинган.

Шунингдек, жорий йил атроф-муҳитни асраш йўналишида вазирлик ва идоралар томонидан биринчи навбатда амалга оширилиши зарур бўлган қатор чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳўжатларга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш масалаларига катта эътибор қаратилган.

Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили давлат дастури лойиҳасидан ўрин олган тадбирларнинг ҳаётий рўёби, энг аввало, халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга, экологик хавфсизлиқни таъминлаш, атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза этиш, сув ва табибий ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали бу неъматларни келажак авлодларга ҳам етказишга хизмат қилади.

Анвар ТҲҲИЧЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси.

Бошқарув компетенциясини ривожлантиришнинг замонавий модели шаклланимоқда

Кенг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида амалга ошириш бўйича давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармони лойиҳасининг 81-мақсадда республика ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, давлат улуши мавжуд тижорат банклари ва ҳўжалик бирлашмаларининг раҳбарлик лавозимлари учун компетенция моделини ҳамда профессионал компетенцияларини баҳолаш тизимини жорий этиш кўзда тутилган.

Замонавий ижтимоий-иқтисодий ва технология ўзгаришлар давлат хизматчилари тайёрлиги ва ривожланишида янги ёндашувларни жорий қилишни талаб этмоқда. Рақамли технологияларнинг жорий қилиниши ва давлат бошқаруви йўналишидаги янги қақриқлар шароитида бошқарув компетенциясини шакллантириш давлат органлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омилга айланмоқда. Хусусан, катта маълумотлар (big data) ва автоматлаштирилган таҳлил тизимлари каби инновацион технологияларни жорий этиш кадрлар ресурсларини оптималлаштириш учун янги имкониятларни яратмоқда.

Замонавий қақриқлар — рақамли трансформация, глобаллашув, рақобат кучайиши ва жамиятнинг ортиб бораётган эҳтиёжлари давлат хизматчиларидан юқори малака, эътибор ва тез ўзгарувчан шароитларга мослашиш қобилиятини талаб қилмоқда. Кўпала мамлакатларда давлат сибсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида давлат аппарати кадрларини ривожлантириш эътироф этиляптир.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси замонавий ва самарали давлат бошқаруви тизимини яратишга интилиб, халқаро тажрибани фаол қўлламоқда ва давлат хизматчиларининг компетенциясини ривожлантиришнинг ўзига хос моделларини ишлаб чиқмоқда. Бу жараёнда марказий ўрин кадрлар тайёрларгини ошириш сифати, компетенцияга асосланган ёндашуви жорий этиш ҳамда янги бош-

қарув ва касбий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган ислохотларга тегишлидир.

2022 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридидаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги вазирликлар, идоралар ва худудий бошқарув органлари билан ҳамкорликда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда давлат фуқаролик хизматчисининг компетенция моделини ишлаб чиқишга киришди. Бунинг учун Президент Шавкат Мирзиёевнинг 40 дан ортиқ маърузалари ва кўрсатмалари матнлари, Ўзбекистон Республикасининг стратегик ривожланишига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳўжатлар таҳлил қилинди, шунингдек, компетенцияларни ишлаб чиқиш йўналишида тажрибага эга бўлган 14 хорижий мамлакат ва 5 халқаро ташкилотнинг тажрибаси ўрганилди.

Мазкур компетенция моделини ишлаб чиқишда анкеталаштириш методикаси қўлланилди. Оқори ва ўрта бўгин раҳбарлари, вазир ўринбосарлари, департаментлар, бошқармалар ва бўлимлар раҳбарлари орасида 350 дан ортиқ раҳбарлардан анкеталар олинди. Шунингдек, вилоятлар ҳокимлари ўринбосарлари ва 50 дан ортиқ туман (шаҳар) ҳокимлари билан интервью ўтказилди.

Таҳлил натижалари асосида давлат фуқаролик хизматчиларининг самарали фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган 10 та муҳим компетенциядан иборат қобилият модели ишлаб чиқилди.

Давлат фуқаролик хизматчиси эга бўлиши зарур бўлган компетенциялар:

- лидерлик — жамоани руҳлантириш, йўналтириш ва қўллаб-қувватлаш қобилияти, умумий мақсадларга эришиш учун ҳамкорлик қилиш;
- натижага йўналтирилганлик — мақсадга эришиш йўлида аниқ натижани тушуниш, унга интилан ҳолда муваффақиятга эришиш учун қийинчиликларни енгиб ўтиш;
- стратегик фикрлаш — вазиятни баҳолаш, нозик жиҳатларни сезиш, маълумотларни таҳлил қилиш, стандарт бўлмаган ечимларни топиш ва ҳулоса чиқариш;
- мақсадларни белгилаш — аниқ мақсадларни белгилаш ва тушуниш, уларга эришиш учун аниқ режаларни ишлаб чиқиш;
- муаммоларни ҳал қилиш — қийинчиликларга самарали ечим топиш, ноаниқ шароитларда ҳам мақсадларга эришиш;
- ўзгаришларни бошқариш — янги шароитлар, технологиялар, жараёнлар ёки тузилмаларга мослашиш;
- қарорлар қабул қилиш — мақсадлар, чекловлар, хавф-хатарлар ва зиддиятли нўқтани назарларни ҳисобга олган ҳолда ўз вақтида тўғри қарор қабул қилиш;
- ўз-ўзини ривожлантириш — билим, кўникма, шахсий фазилатлар ва дунёқараши фаол ва мақсадли равишда ўстириш;
- ташаббускорлик — маъсулятни ўз зиммасига олиш, гоёларни тақлиф қилиш ва мақсадларга эришиш учун амалиёт қадамларини бажариш;
- қатъиятлик — ишонч ва қатъият билан ҳаракат қилиш, эҳтимоллий муаммолар ва хавфларни олдидан кўра билиш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 октябрдаги 629-қарори билан Раҳбар кадрларни баҳолаш маркази ташкил этилди. Унинг устувор мақсади замонавий технологиялар асосида раҳбар кадрларнинг фаолияти, билими ва кўникмаларини баҳолаш, натижаларни таҳлил қилиш ва бошқариш имкониятларини яратишдан иборат.

Шундан келиб чиқиб, марказ давлат фуқаролик хизматчилари учун фаолият йўналишлари ва лавозимлар иерархиясига қараб компетенция моделларини ишлаб чиқиш, ушбу моделлар доирасида самарадорлиқнинг асосий кўрсаткичларини белгилаш, ишлаб чиқилган компетенция модели асосида давлат фуқаролик хизматчиларини баҳолаш учун комплекс шахсий-касий диагностика ўтказиш, компетенцияларни баҳолаш натижалари асосида давлат фуқаролик хизматчилари шахсий-касий ривожланишининг индивидуал траекторияларини ишлаб чиқиш ишларини амалга оширишни режалаштирган.

Шунингдек, компетенцияларни баҳолашнинг янги усулларини яратиш, баҳолаш доимий равишда замонавий ёндашувларни янгилаш ва амалиётга жорий

қилиш, давлат хизматига номзодларни баҳолаш, касбий билимлар, қадриятлар ва интеллектуал салоҳиятни тест синовлари орқали баҳолаш, шунингдек, раҳбарлик лавозимларига номзодлар учун психологик сўровлар ташкил этиш, кадрларга бўлган эҳтиёжларни мониторинг қилиш ва прогнозлаш, кадрларга эҳтиёжини олдидан аниклаш ҳамда ходимларни танлаш ва тайинлаш жараёнларини бошқариш кўзда тутилган.

Шахсий хусусиятлар, яъни инсоннинг маълум бир фаолият турини самарали амалга оширишга туртки берувчи хусусиятлари давлат хизматига муҳим аҳамият касб этади. Давлат хизматчисининг билим ва кўникмалари қанчалик юқори бўлса, ушбу тизим шунчалик самарали бўлади.

Шундай экан, давлат хизматини раванқ топтириш учун, аввало, давлат хизматчиларини ривожлантириш зарур. Бунинг учун уларнинг касбий малакасини мунтазам равишда ошириш талаб этилади. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида янги профессионал давлат хизматчилари корпусини шакллантириш, уларнинг малакасини ошириш, фаолиятининг сифати

ва самарадорлигини янада яхшилаш давлат сибсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги” Қонунининг 12-моддасига кўра, давлат хизматчилари ўз касбий компетенциясини мунтазам ошириши шарт. Яъни давлат хизматчиси ўз ташкилот ваколатларини тўғри билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Шу жиҳатдан 2021 йилдан 2024 йилгача 415 дан ортиқ ўқув курслари ва тренинглар ташкил қилинди, уларда 166 миңдан зиёд давлат хизматчилари иштирок этди. 2024 йил давомида эса миллий кадрлар заҳирасига киритилган 1 166 нафар номзод, истиқболли кадрлар заҳирасидаги 494 номзод, вазирлик ва идораларнинг марказий аппаратларида ишлаётган 807 нафар тузилма раҳбари, ўрта ва қуйи бўғиннинг 1 644 нафар раҳбари, кадрлар билан ишлаш учун масъул бўлган тузилмаларнинг 363 раҳбари, Халқ қабулх

АРМИЯ —

ВАТАН ҚУДРАТИ, ЮКСАК ФУРУР, ЮРТГА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

ЎТГАН 2024 ЙИЛ

зиммаидаги муқаддас бурчи бажариш борасида мураккаб синовлар ва тажриба орттириш йили бўлди. Мудофаа вазирлиги кўшинлари шахсий таркиби халқимиз тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, оёсайишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича муҳим вазифаларни шараф билан бажарди. Мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида кўшинларнинг жанговар шайлигини, ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва ватанпарварлик руҳини оширишга алоҳида эътибор қаратилди, касбий маҳоратини янада кучайтиришнинг янги тизими жорий этилди.



Шуҳрат ХОЛМУҲАМЕДОВ, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги генерал-майор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йўналишларида давлатимиз раҳбари кўйган вазифалар, яъни замонавий операцияларни режалаштириш, кўшинларни оқилона бошқариш, мавжуд куч ва воситаларни самарали қўллаш мақсадини ошириш борасида барча ҳарбий округларда қатор тадбирлар ўтказилди. Қисқа муддатда армиямиз замонавий талабларга мос равишда ислоҳ қилинди, янги намунадаги қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан қайта таъминланди. Натижада бошқарув органлари ва кўшинларнинг операциони ва жанговар тайёргарлиги даражаси 2 баробарга ошди. Қуроли Кучлар ва кўшин турлари ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамланди.

Дунёда жанговар ҳаракатлар динамикаси охирига бораётган ва янги усуллар пайдо бўлаётган шароитда Мудофаа вазирлиги тасарруфидида 20 дан ортиқ полигонлар халқро талабларга мос равишда жиҳозланди, бўлинмалар амалий машғулотлари ташкил этиш ва замонавий жанговар ҳаракатларда қўлланилаётган янги тактик усул ва услубларни амалда ўзлаштириши учун барча шарт-шароит яратилди. Булар дунёда халқро терроризм, экстремизм ва радикализм ҳавфи тобора ортиб бораётган бир вақтда, эҳтимолий таҳдидларга қарши муносиб зарба беришга тайёр бўлиш, Ўзбекистоннинг тинч ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида амалга оширилди.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР таркибидagi тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорликдаги истиқболли фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг тезкор ва жанговар ҳолатини тақомиллаштириш тадбирларини ўтказиш, дала шароитида шахсий таркибнинг назарий билим, амалий кўникма ва руҳий тайёргарлигини ошириш мақсадида Мудофаа вазирлиги тасарруфидида 14 та полигон негизда Қуроли Кучлар дала тайёргарлиги ягона марказлари ташкил этилди. Ҳарбий бўлинмаларнинг амалда машғулотлари майдонларида ўқувчи-ўқувчиларнинг (УУА) мутахассисларини ўқувли тайёрлаш мақсадида УУА ва дронларни бошқариш бўйича ўқув нуқталари барпо этилди. Мудофаа вазирлиги ўқув марказларида йил давомида 37 та жанговар мутахассислик бўйича жами 10 миңдан ортиқ ҳарбий хизматчилар ўқитилди.

Киндик қони тўкилган муқаддас замин ҳимоясида турган мард ва жасур йигитлар оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли ва масъулиятли синовларда тобланишда. Мудофаа вазирлиги кўшинларида ҳимоят қилаётган ҳар бир аскар, сержант ва офицернинг индивидуал тайёргарлик даражасини ҳамда бўлинма таркибидagi ҳаракатларнинг натижадорлигини ўстириш, тақомиллаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кўшинларда хорижий армияларнинг илғор тажрибалари, замона-

тадбирларда фаол иштирок этиб келишмоқда.

Дунё тажрибасини ўрганиш мақсадида ўндан ортиқ давлатлар ҳарбий идоралари билан ҳамкорлик доирасида бир қатор тадбирлар ўтказилди. Семинар-тренинглар, ҳамкорлик ўқув машқлари, малака ошириш тадбирлари шулар жумласига киради.

2024 ЙИЛ ДАВОМИДА мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича халқро ҳарбий ҳамкорлик режалари доирасида дунёда содир бўлаётган ҳарбий мижозро ҳамда урушлар тажрибасини инобатга олган ҳолда ўтказилган 30 дан ортиқ ҳамкорликдаги тадбирлар замонавий ҳарбий таҳдидларнинг олдини олишга қаратилди. Туркия, Озарбайжон, АҚШ, Покистон, Ҳиндистон, Қозоғистон, Буюк Британия ва Франциялик ҳамкорлар билан ўтказилган ўқув-тренинглар, тактик машқлар, курс машғулотлари ҳарбий хизматчиларимиз касбий малакасини ошириш ҳамда барча бўлинмадаги ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик машғулотида жангни олиб бориш ва бошқариш бўйича тажриба алмашиш имконини берди.


Замонавий қуроли тўқнашувларнинг таҳлили ва ривожланган хориж армияларининг илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, бир қатор раҳбарий ҳужжатлар янги таҳрирда ишлаб чиқилди ва кўшинлар фаолиятига таътиб этилди.

Кўшилма ва бўлинмалар учун дала қимматларини ривожлантиришнинг асосий шакли бўлган тактик ўқувларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда замонавий жангларда янги қўлланилаётган ўқувчи-ўқувчиларни таъминлаш, уларга қарши курашиш,

Мирзиёевнинг “ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади” деган сўзлари биз учун дастуриламал бўлмоқда.

2024 йилда ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат раҳбарининг кўрсатмалари билан Мудофаа вазирлигида республикамиз бўйича 2 547 та маҳалладан 1 миллион нафар ўсмир бириктирилди. Оталиққа олинган ёшлар билан ишларни ташкил этиш учун ҳудудий штаблар тузилиб, 4 791 нафар ҳарбий хизматчи улар билан учрашиб, муаммоларини ўрганди. Хусусан, алоҳида эътиборга муҳтож ва жиноятчиликка мойил ёшларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиб, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда уларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашилди.

Йил мобайнида “Армия — ватанпарварлик ва жасорат мактаби” шiori остида 56 маротаба 10 кунлик “Жасорат мактаби” ўқув йиғини ўтказилди. Унга уюшмаган, тарбияси оғир ва профилактик ҳисобда турувчи жами 5 600 нафар ёш камраб олинди. Улар билан ўтказилган касб машғулоти, спорт мусобақалари, психологик тренинглар, дам олиш тадбирлари, шунингдек, хордик қайириши, ухлаши, овқатланиши, машқлари — барча-барчаси қатъ-



чалар уюштирилди. Бу тадбирлар айни кунларда ҳам янги Ўзбекистон янги армиясининг 33 йиллиги доирасида бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчилар ва аҳоли ўртасида “Халқ ва армия — бир тану бир жон!” шiori остида давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари эътироф қилганидек, армия ва халқнинг фаол ҳамкорлиги натижасида Қуроли Кучларимиз том маънода жамиятнинг ажралмас қисмига, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг ишончли кафолатига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланиб бормоқда.

ВАТАН ҲИМОЯСИ ва эл-юрт тинчлиги йўлида халқ бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳодимларнинг оила аъзолари, хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ногиронлик олган ҳарбийлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийлари, шунингдек, Қуроли Кучлар фахрийларида моддий ҳамда маънавий ёрдам бериш билан боғлиқ хайрият тадбирлари ўтказилмоқда. Таълим муассасаларида ўқувчи-ёшлар билан ўтказилаётган “Менин қахрамоним” маънавий-маърифий тадбирлари довомида Ватанимиз мустақиллиги ҳимояси йўлида жон фидо этган ҳарбий хизматчиларнинг жасорат ва қахрамонликлари ёдга олинмоқда.

Ҳарбий соҳадаги ислохотларнинг энг муҳим амалий натижасини армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай соғломлашганда, халқимизнинг ўз ҳимоячиларига бўлган чуқур ҳурмат ва эътиримида кўриш мумкин. Ҳарбий хизматдан мустақкам ҳаётини қарашларга эга бўлиб қайтган ўғонларимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда фаол қатнашишга ҳар томонлама тайёр эканлигини намоён этмоқда.

Бизнинг юрт тинчлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида амалга ошираётган барча ишимиз “Инсон қадрини, инсон бахтини учун!” деган олийжаноб мақсадга йўналтирилган. Бу ёруғ оламда ягона ва тенгсиз бўлган она юртимиз — Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиқидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб ашаш бизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

Фурсатдан фойдаланиб, муқаддас Ватанимиз ҳимоясида турган аскар, сержант, офицерларни, уларнинг ота-оналарини, мард ва жасур аскар — Ватан ҳимоячиси бўлман, дея катта ҳаётга қадам қўяётган ватанпарвар ёшларни Қуроли Кучларимиз ташкил этилганининг 33 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини билан чин қалбимдан табриклияман.

2024 йил давомида Мудофаа вазирлиги мутахассислари турли халқро ҳарбий мусобақаларда катнашиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Хусусан:

- Покистонда VII халқро «Жамоа руҳи» мусобақасида 1-ўрин;
- Россияда «Саян юриши» мусобақасида 3-ўрин;
- Туркияда «Энг илғор мерган» мусобақасида 1-ўрин;
- Ҳарбий-касбий тайёргарлик халқро олимпиадасида 1-ўрин;
- Жанубий Кореяда «Халқро илмий жанговар тайёргарлик» мусобақасида 1-ўрин;
- Жанубий Кореяда I халқро мерганлар мусобақасида 2-ўрин;
- Буюк Британияда «Кембрия патрули» мусобақасида 2-ўрин;
- МДҲга аъзо мамлакатлар армиялари ўртасида «Ўқ отиш спорти» мусобақасида 1-ўрин;
- МДҲга аъзо мамлакатлар армиялари ўртасида «Ҳарбий спорт комплекси кўпкураши» мусобақасида 2-ўрин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги кўшинларининг 22 нафар ҳарбий спортчиси дунёнинг энг нуфузли мусобақаси ҳисобланган XXXIII ёзи Олимпия ўйинларида мамлакатимиз спорт терма жамоалари таркибидa 9 та спорт тури бўйича иштирок этди. Олимпия ўйинларининг якунига кўра Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари томонидан 2 та олтин, 1 та кумуш медаллар кўлга киритилди. Паралимпия ўйинларида ҳам Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари бир олтин ва бир кумуш медаллар соҳиблари бўлди.



лавозимдаги ҳарбий хизматчилар учун биринчи сержант, штаб сержант, мастер сержант ва сержант-майор ҳарбий унвонлари жорий этилди. Мазкур лавозимларга тайинлаш учун кўшинлардан 300 дан ортиқ номзод сержантлар орасида саралаш ишлари олиб борилди ҳамда ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбияланган, интеллектуал салоҳият ва юксак ҳарбий маҳоратга, бошқарувчилик қобилиятига эга бўлган сержантлар саралаб олинди. Бугунги кунда улар кўшинлардаги батальон, бригада, округ ва вазирлик миқёсидаги бир қатор

ҳандақ жанги, кичик командирларнинг мустақил қарор қабул қилиши ва бошқарувчилик маҳоратларини ошириш, тактик ва радио ниқобланишнинг янги тактик ҳаракатлари амалда ўзлаштирилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлган, ватанпарвар ёшларнинг камол топиши, бахтли бўлиши учун барча шароит яратилган. Бугун юртимизда ҳал қилувчи куч ҳисобланаётган ёшлар давлатимизнинг тараққиқ этиши ва қудрати юксалишида муҳим роль ўйнамоқда. Президентимиз, Қуроли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Шавкат

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Қаҳрамонлар хотираси мангу барҳаёт!

Бугунги тинч кунларимиз сабабчилари, мардлик ва жасорат тимсоли бўлган қаҳрамонларимизнинг хотирасини ёд этиш халқимизнинг азалий қадриятларидан бири ҳисобланади.



Шарқий ҳарбий округ кўшинлари ҳарбий хизматчилари ҳам Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан юртимиз сарҳадларини мардонор кўриқлаб, жонини фидо этган қаҳрамонлар оила аъзолари, уруш қатнашчилари ҳамда фахрийлар холидан хабар олишмоқда.

Жумладан, ҳарбий хизматчилар юрт учун жонини фидо қилган қаҳрамон, сержант Дилшод Асановнинг хонадонидa бўлди. Самимий сўҳбат чоғида ҳарбий хизматчилар ва оила аъзолари қаҳрамоннинг болалик давларини, фаолияти ва касбини қанчалар севганини эсга оlishди.

Ўтказилаётган тадбирлар давомида Ватан озодлиги йўлида мардларча халқ бўлган ҳарбийлар оилаларига Мудофаа вазирлиги томонидан ажратилган байрам совғалари топшириляпти.

Оммавий югуриш мусобақаси

“Янги Ўзбекистон” боғида “Men g’olib RUN” ҳарбий-ватанпарварлик оммавий югуриш мусобақаси бўлиб ўтди.



Байрам арафасида ташкил этилган мусобақа пойтахтимиз аҳолиси учун ҳам унгутилмас шукўқ бағишляди. Оммавий спорт тадбирида миңдан ортиқ куч тузилмалари ҳодимлари, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, профессионал спортчилар ҳамда ҳаваскорлар қатнашди.

Мусобақа низомига кўра куч тузилмалари жамоалари жамоавий ҳамда яккалик йўналишларида ўзаро беллашди. Ҳарбий олий таълим муассасалари курсантлари ўртасида ҳам худди шу икки йўналишда голиб ва совриндорлар номлари аниқланди. Ҳарбий хизматчилар 3 ва 10 километрик масофада стартга чиқиб, ҳарбий олий таълим муассасалари шарафини олтида, еттида жамоа эса куч тузилмалари шарафини ҳимоя қилди. Беллашувлар якунига кўра голиблар рағбатлантирилди.

«Янги Ўзбекистон киносолномаси»

Маданият вазирлиги ҳузурдаги Кинематография агентлиги “Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” давлат унитар корхонаси ҳамда Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистон киносолномаси” туркуми доирасида суратга олинган ҳужжатли фильмлар премьераси мухлислар эътиборига ҳавола этилди.

Хусусан, айни кунларда экран юзини кўрган “Замонавий ҳарбий институт”, “Улуғвор қалб билан кутлуғ сафларга”, “Янги Ўзбекистон лочинлари” ҳужжатли фильмлари мамлакатимиздаги учта олий ҳарбий таълим муассасаси фаолиятидан ҳикоя қиляди. Шунинг учун мазкур учта ҳужжатли фильмнинг дастлабки аксарият томошабинлари ҳам Ватан ҳимоячиларидан иборат бўлди.

Миллий кино санъати саройида бўлиб ўтган премьерa намойиши жараёнида мутахассислар ижодкорлар ишига баҳо берди. Кинематография агентлиги ва Мудофаа вазирлигининг эсдалик совғалари топширилди.

«Халқ сўзи».

Тошкент фотосуратлар уйида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Халқ ва армия — бир тану бир жон!» мавзуида ижодий асарлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 12 830 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозоғ бичими А—2. Баҳосин келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқиб олши учун QR-коддин телефоннинг орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган кўлаблар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наширёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — С. Маамиров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” наширёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.55

Топширилди — 01.10

1 2 3 4 5 6